Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 июль пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 134 (2172)

БЕДОР ЎЙ

...Тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ислом КАРИМОВ





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1999 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши, республикамиз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Бунда мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қила оладиган ҳаракатчан, яхши жиҳозланган қўшилмалар ва қисмларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Қўшинларнинг ҳудудий бошқарув тизимини такомиллаштириш, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминловчи тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишлари, қўшилмалар ва қисмларни белгиланган манзилларда қулай шарт-шароитлар яратиб жойлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлаш, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар ва бошқа жиноий тажовузлардан давлатимиз сарҳадларини ишончли равишда ҳимоя қилиш ва қўриқлаш масалаларига доир чоратадбирлар кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: мажлис пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ШУ СОНГА ХАБАР

Самарқанд вилояти деҳқонлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги байрамига муносиб меҳнат совғаси ҳозирладилар. Мамлакат ғалла мўл-кўлчилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида тер тўкаётган дала меҳнаткашлари ғалаба марраси-га етиб келдилар.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Дон сотиш бўйича давлат буюртма режаси ошириб бажарилди. Қабул пунктларига 237 минг 10 тонна ғалла топширилди. Ўртача ҳосилдорлик 42 центнерни ташкил этди. Илғор хўжаликларда ҳосилдорлик 60-70 центнерга, звеноларда эса 80-90 центнерга етди.

Ғалла экинлари парвариши илғор технология асосида ташкил этилганлиги, ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўриб, техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги муваффақият гарови бўлди. Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Оқдарё, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд туманлари ғаллакорлари ялпи хирмонга, айниқса, баракали ҳисса қўшди.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

СИЁСИЙ ДУНЁҚАРАШ – КОМИЛЛИК БЕЛГИСИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Ахборот агентлиги мухбири билан «Ҳушёрликка даъват» мавзусидаги суҳбати ҳамда Олий Мажлис XIV сессиясидаги тарихий маърузаси халқимизнинг дунёқарашини шакллантиришда ва ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлган дастурий ҳужжатлардир. Уларда ҳаёт, ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият кенг кўламда таҳлил этилиб чиқарилган хулосалар, илгари сурилган муҳим ғоялар ва қарашлар бутун халқимизнинг, ҳар биримизнинг маънавиятимиздан, онгимиздан, энг муҳими, эътиқод дунёмиздан чуқур жой олиши керак.

XXI аср сари

Айниқса, Йўлбошчимизнинг ҳозирги кунда халқни, жумладан, ёш авлоднинг сиёсий фаоллигини ошириш соҳасидаги кўрсатмалари давр талаблари нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Биз ҳозирги кунда комил инсон учун курашаяпмиз. Сиёсий дунёқараш, сиёсий фаоллик, яъни инсоннинг ғояларга, эътиқодлар кураши майдонида ўз мустаҳкам позициясига эга бўлиши ана шу комилликнинг энг асосий, таянч жиҳатларидан биридир.

Албатта, сиёсий дунёқарашни биз эскича тушунишдан воз кечишимиз керак. Яъни бизнинг сиёсий дунёқарашимиз бугунги кунда чуқур маънавий-ҳаётий асосларга таянши, улардан нурланиши, бир-бирини бойитиши ва ривожлантириши талаб қилинади. Собиқ шўро тузуми шароитида эса сиёсий дунёқараш ва инсоннинг маънавий дунёси ўртасида кескин тафовут бор эди. Одамлар қалбида бир армон, бир интилиш, ҳоҳиш-ирода, мавжуд сиёсат, коммунистик мафкуранинг мазмуни эса тамомила бошқача эди.

Мустақилликка эришиб, биз маънавий-тарихий ўзлигимизни таниб, шу мустақил ривожланиш билан боғлиқ сиёсий тафаккурга ҳам эга бўлдик. Ҳамма соҳа ва йўналишларда бўлганидек, маънавий омил, яъни инсоннинг шахсий орзу-интилишлари, ҳоҳиш-ироласи уларнинг сиёсий дунёқараши билан узвий боғланиб, шу жабҳадаги фаолликнинг илдизига, белгиловчи асосига айланди.

Бунинг устига, янги ҳаётнинг ўзи халқимизнинг асл манфаатларини ифодалаган, унинг турмуши ва озод, бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний, миллий ғоямизни майдонга келтирди. Мустақиллик ва унинг истиқболи билан боғлиқ орзу-интилишларни ўзида мужассам этган миллий ғоялар ҳар биримизнинг қалбимиздан, руҳимиздан, ақл-идрокимиздан чуқур ўрин олган куч-қудратдир. Фақат вазифа шуки, бу ғояни янада бойитиш, чуқурлаштириш, унга ишонч ва эътиқодни янада оммалаштириш давр талабидир.

Сиёсий-ғоявий дунёқараши етук одамни ҳеч бир қийинчиликлар, муаммолар тўғри йўлдан чалғита олмайди. Бундай шахс муаммолар ўткинчи эканлигини, улар тараққиёт жараёнида, албатта, ҳал бўлишини, энг муҳими, мустақил республикамиз келажагининг устувор йўналишларига қатъий ишонч ва эътиқод билан яшаш зарурлигини яхши тушунади.

Жамият ана шундай тарбияга ва ана шундай шахсларга эга бўлиши ғоятда муҳим.

Биз тўғри йўлдан бораяпмиз. Ҳаётнинг ўзи — буюк тарбия мактаби. Унинг тараққиёти, эришилаётган ютуқлар, булар — онгда беиз қолмайди. Оддий мисол. Яқинда Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида улкан ер ости газ омбори фойдаланишга топширилди. Унинг ишга туширилиш лаҳзаларида шахсан Президентимизнинг ўзлари иштирок этдилар. Ойнаи жаҳонда кўриб турдик. Одамларнинг чеҳрасида қувонч, хурсандчилик. Нега? Чунки Фарғона водийси аҳолиси энди газ билан барқарор таъминланади. Буни эса улар ҳамиша орзу қилиб келган эдилар. Турмуш фаровонлигининг бу зарур омилига улар мустақиллик туфайли, Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли эришдилар. Бир вақтлар Бухоро гази ёнимиздан дарёдай оқиб марказга, Оврупога етиб борган эди. Биз эса, дарё бўйида сувга зор кишилардек, ўз газимизга муҳтож эдик. Аммо эски тузум буни инобатга олмади. Мустақиллик эса бундай имкониятга эриштирди. Мана шу оддий воқеа одамларнинг онгида чуқур из қолдирди, уларни истиқлолга меҳр-садоқатини оширди.

Мустақиллик йилларида бундай улуғвор ишларнинг қанча-қанчаси юз берди. Ҳаётдаги ўзгаришлар эса одамларнинг дунёқарашини ҳам ўзгартириб юборди. Бугун биз бошқача одамларміз. Истиқлолга теран эътиқод, унинг буюк неъмат, тарихий ғалаба эканлиги ҳар биримизга аён. Ана шу сабаб бўлса керак, машъум 16 февраль воқеаларини бутун халқимиз қаҳру ғазаб билан қоралади. Унинг айбдорларини топиб, қора курсига ўтиргизилиши умумхалқ талабига айланди. Бу бежиз эмас. Бу — янги дунёқараш самараси.

Худди шу 16 февраль воқеаларининг ўзи инсонга сиёсий дунёқарашнинг заруриятини бошқа бир жиҳатдан исботлади. Машъум воқеа онги паст, жаҳолатда юрган кимсаларнинг тушуниб-тушунмай қандай разил ишларга қўл уриши мумкинлигини кўрсатди.

Ўзим таълим соҳасининг вакилларидан бири бўлганим сабабли, бир фикримда қатъийман. Ёшларга мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидан тортиб, олий ўқув юртларигача — ҳамма босқичларда зарур мутахассисликлар билан бир қаторда чуқур маънавий-сиёсий таълимни ҳам мунтазам бир тарзда ташкил этиш керак. Чунки янгиланаётган Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ бўлиши учун фақат замонавий мутахассисларгина эмас, балки чуқур маънавий-сиёсий тарбияланиб чиққан мутахассислар кўпроқ зарур. Демак, таълим-тарбия тизимида сиёсий-мафкуравий таълимнинг салмоқли ўрни бўлиши табиийдир. Бу таълимнинг бизда мустаҳкам манбалари бор. Бу ҳақда гап кетар экан, энг аввало, Президентимизнинг асарлари, маърузалари ва суҳбатларини бош манба сифатида тилга олган бўлур эдим. Чунки уларда янги дунёқараш асослари, янги сиёсий-иқтисодий, маънавий таълимот мазмуни чуқур акс этган. Президентимиз асарларини ҳам профессор-ўқитувчиларимиз, ҳам талабаларимиз системали ва чуқур ўрганиши лозимлигини ортиқча изоҳлаб ўтириш ҳам шарт бўлмаса керак.

Тўлқин МИРКОМИЛОВ, Тошкент давлат техника университети ректори.

ЗАРАР КЕЛТИРУВЧИ КОРХОНАЛАР – ИҚТИСОДИЁТГА ОРТИҚЧА ЮК

Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Бош вазири, Комиссия раиси У.Султонов бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, қўмиталар ва банкларнинг, шунингдек, мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда бу йил банкротга учраган корхоналар ўтган йилга нисбатан анча кўпайгани қайд этилди. Зарар мезонлари, банкротлик тадбирининг ўзи етарлича пухталаштирилган, ишида иқтисодий ночорлик белгилари пайдо бўлаётган республика корхоналари ҳақидаги маълумотлар банки барпо этилган. Санациялаш мўлжалланган корхоналарнинг бизнес режаларини экспертиза қилиш учун идоралараро тармоқ ишчи гуруҳлари тузилган.

Бироқ бу фаолиятнинг миқёслари ҳамда уни амалга оширишда изчилликнинг йўқлиги шу кунниинг талабларига мос келмайди. Масалан, банкрот деб эълон қилинган корхоналар кўпайган бўлса ҳам, тугатилган корхоналар сони камлигича қолмоқда.

Шу муаммолар билан шуғулланувчи барча даражадаги давлат бошқаруви мутахассислари бу ишнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётини, айниқса, унинг муҳим тармоқларини бошқа корхоналарнинг ишлашига тўсқинлик қилаётган, демакки, бутун иқтисодиётни орқага тортаётган ҳўжалик юритувчи ночор субъектлардан холи қилишдан иборат эканини унутмаслиги лозим. Айни пайтда, банкротлик номигагина эълон қилинмаслиги керак. Бу тадбирнинг асосий моҳияти шундаки, банкротликдан сўнг корхона янги ҳаётни бошлаши, эҳтиёж катта бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўя олиши лозим. Бунинг учун ҳар бир корхонага алоҳида ёндашувни топиш, уни қайта тиклаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмита раиси М.Умаров шу йилнинг учинчи чорагида тугатилиши лозим бўлган сурункали зарар келтирувчи корхоналар рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатни муҳокама қилиш чоғида зарар келтирувчи, ночор ва бекор турган корхоналарни аниқлаш ҳамда уларни тугатишга доир тадбирларни амалга оширишда қўмита мутахассислари, саноат тармоқларининг раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари, шу жумладан, корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ходимларининг янада мустаҳкам ҳамкорлик қилиши зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда тугатиш комиссияларининг таркибига бу ишнинг зарурлиги ва маъсулиятини тўла тушунадиган кишиларни киритиш лозимлиги таъкидланди. Айни пайтда ишончли вақил механизмини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Зарур иқтисодий қўникмалари бўлган ва муддатни чўзмай, қисқа вақт ичида корхонани тугатиш тадбирида кўзда тутилган ишларни барча босқичлар орқали олиб ўтишга қодир мутахассислар ишончли вакил этиб тайинланиши лозим.

Мажлис иштирокчилари республикамиздаги санация қилиниши лозим бўлган корхоналар раҳбарларининг фикрларини ҳам тинглаб, улар раҳбарлик қилаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш режаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари В.Чжен, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

(ЎзА)

1999 йил - Аёллар йили

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

"Бағдоддонмаҳсулот" акционерлик жамиятида аёллар учун бир қанча қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Эндиликда корхонада хизмат қилаётган аёлларга сиҳатгоҳларда дам олиш учун бепул йўлланма берилади. Шунингдек, икки ёшгача бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга энг кам иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорида қўшимча моддий ёрдам кўрсатилади. Айни вақтда эҳтиёжманд оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари, беморларни эса керакли дори-дармонлар билан таъминлашда ҳам имтиёзлар яратилди.

Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

САНЪАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ХАЛҚИМ

"Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси Аёллар йилига бағишлаб қўпгина қизиқарли тадбирлар ташкил этмоқда. "Туркистон" саройида ўтказилган "Санъатим сенга бахшида, халқим" концерт дастури ҳам ана шулардан бири бўлди.

Республика маданият ишлари вазири Х.Жўраев тадбирни очар экан, Аёллар йилига бағишланган Давлат дастурида уларни нафақат ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан, балки маданий-маънавий, маърифий томондан ҳам қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилганини таъкидлади. Санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан ҳар бир хонадонга кириб борадилар, барчамизнинг кайфиятимизни кўтаришга кўмаклашадилар.

Саҳнага бирин-кетин халқимизнинг севимли санъаткорлари — Насиба Абдуллаева, Саида Раметова, Султонпошша Удаева, Юлдуз Абдуллаева, Кумуш Раззоқова, Сайёра Қозиева ва бошқа хушовоз хонандалар чиқиб келади. Улар ижросида мунис ва меҳрибон онахонларни мадҳ этувчи, аёллар гўзаллиги, латофати, нафосати, бахту иқболи, муҳаббату садоқати ифодаланган дилрабо қўшиқлар янграйди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Буломова сўзга чиқди.

(ЎзА)



ЯПОНИЯЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОННИ БИЛИШ ИСТАГИДА

Японияниинг Ибараки префектурасида жойлашган Мориа шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига бағишланган конференция ўтказилди. Уни ўтказиш ташаббускори Мориа шаҳрининг Япония халқаро маданий ҳамкорлик ассоциацияси ва Япониядаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси бўлди.

Конференция иштирокчилари ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимиздаги сармоя киритиш имкониятлари тўғрисида ўқилган маърузани катта қизиқиш билан тингладилар.

Учрашувда сўзга чиққан Ибараки префектураси парламент аъзоси И. Огава Японияда Ўзбекистон Республикаси билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг маданий соҳадаги тақдимотларини ўтказишда Японияга «Умид» жамғармаси томонидан таҳсил кўриш учун юборилган талабалар катта ёрдам кўрсатишди.


Хусусан, улар Япониянинг қатор университет ва мактабларида мустақил равишда тақдимотлар ўтказдилар, бу эса Япония ёшларига мамлакатимиз тарихи, маданияти, анъана ва одатларини яхшироқ тушунишга кўмак беради.


Конференцияда, шунингдек, Япониянинг Мориа шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси шаҳарларидан бири ўртасида тўғридан-тўғри шериклик муносабатларини ўрнатиш истаги билдирилди.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Токио.

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.Бунда қурувчиларнинг ҳиссалари салмоқли. Улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, у ёки бу иншоотларни сифатли, чидамли, кўркам қилиб тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Намангандаги 2-вилоят жамоа қурилиш трести бинокорларидан қиёс: меҳнат аҳли жорий йилда бош пудрат бўйича 10 млн. 300 минг сўмлик, ўз кучлари билан 8 млн. 300 минг сўмлик иш бажаришга аҳд этишган. Айни кунларда эса трест қурувчилари 720 ўринли мактаб, 4176 минг квадрат метр ҳажмда турар жой, 3 та 150 ўринли қишлоқ врачлик пункти, 250 ўринга мўлжалланган академик лицей ётоқхонасини қуриб, фойдаланишга топшириш пайидан бўлишмоқда.





СУРАТЛАРДА: Наманган шаҳрининг «Чорсу» даҳасида барпо этилган 48 хонадонли уй-жой биноси; янги академик лицей қурилишида иш қизғин; 151-ПМКК бошлиғи Ҳамиджон Омонбоев, 2-қурилиш трести раҳбари Обидхон Сирожиддинов, ишчилар Мўмин Қодиров ва Фарҳод Юсупов янги режалар хусусида суҳбатлашишмоқда.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида газета ва журналлар бош муҳаррирлари, республика матбуот тарқатувчи акциядорлик жамияти раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов олиб борди.

ҚОҒОЗНИ ТЕЖАЙЛИК

Йиғилишда мамлакатимиз матбуотчилари олдида турган долзарб вазифалар, мавжуд имкониятлар — қоғоз, замонавий техникадан унумли фойдаланиш ҳамда даврий нашрларга обуна масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари бош муҳаррири А.Усмонов, "Мулкдор" газетаси бош муҳаррири М.Абдураҳмонов, "Нурлы жол" газетаси бош муҳаррири Қ.Сейданов, "Муштум" журнали бош муҳаррири А.Жўраев, республика "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик жамияти раиси Р.Қосимов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда янги-янги номдаги газета ва журналлар нашр этиляпти. Аммо уларни ўз ўқувчиларига етказиш, обуна ишини ташкил этиш, қоғоз ва зарур техникалар билан узлуксиз таъминлаш борасида талайгина муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Йиғилишда ушбу масалаларни пухта ҳал қилиш, янги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш борасида тегишли тадбирлар белгиланди.

Ў. МИРЗАЁРОВ. (ЎзА)

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий банк раиси, мазкур кичик комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Мажлисда жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида, Коммунал хизмат кўрсатиш ва Энергетика вазирликлари, "Ўзкимёсаноат" уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Ўзқишлоқҳўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиш сабаблари чуқур таҳлил қилинмаётгани, уларни камайтириш юзасидан етарли чоратадбирлар кўрилмаётгани мажлисда кескин танқид қилинди.

Шунингдек, айрим корхона ва ташкилотлар томонидан тўловга қобилиятсиз мижозларга маҳсулотлар жўнатиш ҳолларига йўл қўйилаётгани, вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан эса уларга нисбатан етарли даражада қатъий чоралар кўрилмаётгани алоҳида қайд этилди.

Дебиторлик қарзларнинг ўсишига йўл қўйган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш мақсадида, жорий йилнинг июнь ойигача 100 дан ортиқ хўжалик субъектлари бўйича ҳужжатлар республика Прокуратурасига тақдим этилди.

Ўтган олти ой давомида прокуратура органлари томонидан бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилиб, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларга йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига нисбатан 295 та жиноий иш қўзғатилган. Уларнинг асосий қисми судларда кўриб чиқилиб, жазо чоралари белгиланди. 404 нафар мутасадди раҳбар интизомий жавобгарликка, 2503 та мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 1,5 миллиард сўм миқдордаги 691 та даъво аризалари судларга киритилди ҳамда 1 миллиард сўмлик зарар ихтиёрий тарзда ундирилди.

Мажлисда ҳар бир вазирлик ва идора бўйича муддати ўтган қарзларни қисқартириш юзасидан қисқа муддат ичида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

ЖАҲОЛАТ ВА УНИНГ САБОҚЛАРИ

Яхшилик энг улуғ савобдир

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Асримизнинг бошида араб ва бошқа диёрларда пайдо бўлиб, ўзларига Ислом дини оқимлари деб ном қўйиб олган бу маддоҳларнинг мақсади бугун ҳеч кимга сир эмас. Муқаддас динимиз ниқоби остида ҳаракат қилаётган бу кимсалар соддадил, илмсиз, фикри ожиз ёшларга таъсир ўтказиб, улардан ўз қора ниятлари йўлида фойдаланишга уринишаяпти, фисқу-фасод, ғалваларни тарқатиб, барқарорлигимизни бузишга ҳаракат қилишяпти.

Қуръони Каримни, Ҳадисни бир варақлаб мағзини чақинг, Ислом арконлари юзасидан тўғри жавобларга эга бўласиз. Бир ақидапарастга мурожаат қилдим: «Қуръон ўқишни биласанми?» — деб. «Ҳарф танимайман» — дейди. «Нимани тарғиб қилиб, нимани гапиряпсан бўлмаса?!» — дейман. Миқ этолмайди.

Бир куни Шайх Саъдийнинг шогирдлари сўрабдилар: «Устоз, бир мажлисга бир одам келибдир. Ҳеч кимга гап бермайди. Ҳаммани ортига қаратяпти. Устоз, бир бориб уни лол қолдириб мот қилиб келмаймизми?». Хўп, деб Шайх Саъдий бордилар. Кўришдилар.

— Тафсирдан биласизми? — деб сўрадилар.

— Йўқ, тафсир ўқимаганман, — деган жавоб бўлди.

— Ҳадис илмини биласизми?

— Ҳадисни ҳам билмайман.

— Мен енгилдим, — дебдилар Шайх Саъдий.

Шунда шогирдлар: — Тақсир, бу одам тафсирни ўқимаган бўлса, Ҳадисни кўрмаган бўлса нимага енгилдим, деб айтяпсиз?

— Эй шогирдларим, мендек бир олимнинг тафсирни ҳам, ҳадисни ҳам ўқимаган жоҳил билан талашишим, менга шарманда бўлишдан бошқа нарса келтирмайди.

Илми йўқ одам билан илмлик одамнинг мунозараси тош билан гавҳарни бир-бирига уришгандек гап. Тош аямай гавҳарни бир уради, парчалаб юборади. Бундайлар худди тўтиқушдай эшитганини гапираверади, бошқа ёққа ўтмайди. Қуръони Каримда, Ҳадиси Шарифда бузғунчилар, одамларнинг тинчини бузувчилар, диний фирқалар ҳақида бирорта оят ёки бирорта ҳадис тополмаймиз. Оллоҳим Қуръонда бу хусусда шуни таъкидлайди: **«Оллоҳнинг арқонидан маҳкам ушланг, фирқа-фирқаларга бўлинманг».**

Оллоҳнинг арқони нима? Бу Оллоҳнинг каломи, яъни, суралар. Бировни ўлдирма, бировни алдама, озор берма, ҳиёнат қилма, ота-онангнинг дуосини ол, ғарибларга, етимларга ёрдам бер, Оллоҳга имон келтирган ватандошлар, фирқа-фирқага бўлиниб кетманг деяпти Оллоҳим. Бу даъват оятларда жуда кўп маротаба қайтарилади.

Камина имом-хатиб пайтимда жуда кўп хонадонларда бўлганман. Бугун улардан баъзиларининг фарзандлари адашиб, нотўғри йўлларга кириб, кимларнидир ғояларига эргашганларини эшитиб, ўзимни ҳам гуноҳкор, деб ҳисоблайман. Ўзимга-ўзим савол бераман — нечук мен уларни вақтида хато йўлдан қайтара олмадим? Нечук, умуман, биз домла, имомлар ҳақиқий Ислом йўлини кўрсатиб бера олмадик?

Бунга биринчи сабаб, менимча, 70 йил мустамлакачилик шароитида, динсиз тузумда умримиз ўтгани, халқимизни тарихидан, маданиятидан, тилидан, қадриятларидан, урф-одатларидан, динидан ажратишга уриниб келинди. Қолаверса, ўша даврда амалда виждон, сўз эркинлигининг бўғилгани, халқнинг ҳақиқатдан, жумладан Ислом илмидан маҳрум этилгани. Ўйлашимча, ҳозир ҳам кеч эмас, ўша адолатсиз, мустабид тузумни кўрмаган, билмайдиган ёшларга, биз шўро тузумининг азобини чеккан ота-оналар, домла-имомлар бор ҳақиқатни, булутли қора кунларни вақти-вақти билан айтиб, эслатиб туришимиз керак. Токи, улар бугуннинг қадр-қимматига етсинлар. Адашмасинлар.

Шу ўринда ношукурчилик қилиб, ҳозирги рўшнолик кунларимизнинг қадрига етмай, ўша адолатсизлик, тенгсизлик, эрксизлик қутурган мустамлакачилик замонини қўмсаб юрган кишилар ҳамон учраяпти. Нима эмиш, «Шўро пайтида арзончилик бўлганмиш, гўшт арзон эди» ва ҳоказо. Шундай ношукурчиликларни эшитсам қалбимга бир наштар санчилгандек бўлади. Бундай кимсаларнинг маънавияти саёзлигидан, мустақиллик, озодлик, виждон эркинлиги, дин равнақи учун очилган йўл нақадар улуғ неъмат эканлигини англамай, ўткинчи қийинчиликлардан оғиз кўпиртириб, истиқлолнинг туб моҳиятини билмаганлигидан хафа бўлади, киши.

Бу ерда шуни таъкидламоқчимизки, чукурроқ ўйлаб кўрилса, дастурхонимиз тобора тўкин-сочин бўлиб бораяпти. Фақат айримларнинг кўзи тўймас бўлиб қолган, орзу-ҳавасининг адади йўқ. Эътибор беринг-а, бир қаватлик иморат камлик қиляпти. Икки, уч қаватли бино солгиси келяпти, битта енгил машина камлик қиляпти, иккита машина олгиси бор. Ўзларининг кўзлари тўймас бўлиб қолганларини ҳаёлларига ҳам келтирмай, шўро замонини «яхши» дейдилар. Ақл-заковати бор одам ўзига бир савол беради: хўш, ўша арзон гўшт, нима ҳисобидан эди?

Ҳушёрликка даъват

Сув текинга олиб кетиладиган пахтамиз, олтинимиз, заҳарли кимёвий моддалардан бевақт кўз юмган юртдошларимиз меҳнати, эҳ-ҳе санайверсак тугамас ташиб кетилган бойликларимиз эвазига эмасмиди.

Ўша вақтдаги тилимизнинг ҳолатини эслайлик. Тилимиз поймол қилинган, фақат бозорда қолган эди. «Қовун неча пул экан? Тарвуз неча пул?» деб ишлатиш учун қолган эди, холос. Ҳамма шундай на отанинг, на онанинг насиҳатини олади-ган, Ватан қадрига етмайдиган, на яхшиликни биладиган бир гўл, қалби кўр фарзандлар борлигидан афсусланасан, киши.

Бу каби зараркунандаларни кўриб, мусулмончиликка иснод келтираётганидан ғазабланади, киши.

Бир мўмин ўз бола-чақаси билан яхши, фаровон, тинчлик-хотиржамликда яшашни хоҳлайдими, бошқаларга ҳам шуни раво кўриши керак. Ўзинг қанчалар тинчликни, осойишталикни, бахту-саодатни хоҳласанг билгин, бошқалар ҳам шу неъматларни хоҳлайди, сен яшашни хоҳлаб турибсан, ўлгинг йўқ, бошқаларга ҳам ўлим тилама. Бошқанинг ҳам қонини тўкма. Мўмин бўлсанг, қалбингда зарра имонинг бўлса Оллоҳдан қўрқ. Ахир яратган Эгам оятларида нима деб қўйибди: **«Битта одамни бегуноҳ ўлдиришлик, бир одамнинг қонини бегуноҳ тўкиш, бутун Олам одамлари қонини тўккан билан баробар».** Бундан ортиқ гуноҳ борми дунёда?! Бу гаплардан Оллоҳ одамнинг одам томонидан қонини тўкишга қарши эканини англамоқ зарур. Мўмин-мусулмончилик деганда нималар тушунилади? Дин-диёнат, насиҳат, одамгарчилик, Оллоҳ берган неъматларига шукроналикдир. Бу сўз замирида бир олам маъно бор. Мўмин-мусулмончилик эзгулик, меҳр-оқибат деганидир. Оллоҳ донишларни ёқтиради, ёрлақайди.

Мусулмончиликни яхши тушунган, унинг йўл-йўриқларига амал қилиб келаётган юртдошларимиз орасида мамлакатимизда бўлаётган улуғ ишларга зид фаолият кўрсатаётган қалби кўр, бефаҳм кимсалар борлигига ачинасан, куясан. Шуниси юракка таъсир қиладики, булар Ислом динимизни — пок динимизни нотўғри талқин қилиб, шу динни ниқоб қилиб, халқнинг ичига кириб, бутун дунё тан олган, Оллоҳ Таолонинг бир улуғ бандасини, пайғамбаримиз (САВ)нинг неча минг ҳадисларини саҳиҳ этиб, бутун хизматлари билан дунёда «Ҳадис илмининг султони» деб ном олган Имом Бухорийдек зотни тан олмасликларини ҳам уялмай-нетмай намойиш этадилар. Буларнинг намози, ибодати ҳам йўқ. Агар буларнинг намози бўлганда эди, шу қабул бўлганда эди, улар бунақа иш қилмаган бўлишарди.

Йўлидан адашган кимсаларни қинғир қадамига яраша аввало ҳаётнинг ўзи, охирги оқибатда парвардигорнинг ўзи жазосини беради. Шуни яхши билиб олайликки, Исломда олтинчи фарз йўқ. Жиҳодни Оллоҳ олтинчи фарз деб ҳеч қаерда буюрмаган. Исломнинг тўғри йўлга бошловчи беш устуни — беш фарзи бор. Солиҳ амалларга йўлловчи мазҳаблари мавжуд.

Исломнинг бешта устунидан биринчиси имондир. Имон энг нозик тақдирга тан бермоқлик. Оллоҳ кимни хоҳласа, эл-юртга қайси инсонни муносиб кўрса шу инсон раҳбар бўлади. Шунга Оллоҳ куч-қудрат, ақл-заковат беради.

Намоз. Намоз ибодатнинг энг кераги. Мана, оятларда кўп такрорланади: намоз ўқинг, намоз ўқинг. Намозда нима улуғ фазилат борки, дини Исломда бундай катта арконни эгаллади? Ўн дақиқа, ўн беш дақиқа вақтни оладиган намоз бундай қараганингизда саждага бош қўйиб, ўтириб туриш, руку қилиш дуолар қилиш — бунда қандай куч бор?

Бу намознинг кучи аввало шундаки, намоз ўқийдиган инсондан поклик талаб этилади. Талаб пок, қалб пок бўлиши лозим. Оллоҳ Таоло «Муддассир» сурасида айтадики: «Агар намоз ўқимоқчи бўлсанг танангни покла — таҳорат қил! Таҳоратсиз, поклланмасдан туриб, ўқилган намоз-намоз эмас». Энди шу намозни ўқиш учун ва шу намоз қабул бўлиши учун дил пок бўлиши керак, қалб пок бўлиши керак.

Оллоҳ Таоло ўз каломида намозга мана бундай маъно беради: «Эй бандаларим, намоз сизни бузуқ, фахш ишлардан зино, бузуқ, гуноҳ ишлардан қайтаради. Мункир ишлардан қайтаради». Мункир ишлар нима? Оллоҳ ман этган, қайтарган ишлар. Бунга бекордан бекор одам ўлдириш, инсонга зулм қилиш, одамни алдаш киради. Молига, ҳаққига хиёнат қилиш, ота-онага ҳамда оиласига бевафолик ва оқибатсизлик, қўни-қўшни билан жанжал қилиш, осойишта Ватанниинг қадрига етмай ношукурчилик қилиш, фитна, фасод, ифволар тарқатиб юриш — мана шу дунёдаги барча ёмон ишлар, инсоният қонунларига зид бўлган жиноятларнинг ҳаммаси мункир иш саналади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) қалбингизни пок қилинг, шунда намозингиз даргоҳида қабул бўлади деганлар. Агар намозхон таҳоратларни қилиб келса-ю, қалбида ифво, ҳасад бўлса, ота-онанинг кўнглини ранжитган, бировларнинг ҳаққидан, молидан, ҳаромдан қўрқмаётган, яшнаб турган Ватанига зарар келтирадиган ишларнинг маслаҳатини қилиб юрган одамнинг намозини Оллоҳ ўзига қайтариб юборади, Оллоҳ назарини ҳам ташламайди.

Рамазон ойида рўза тутамиз — мана бу учинчи рукн. Беш қўл баробар эмас, дейдилар. Умрида бир бурда нонинг қадри қанчалар улуғ эканини билмайдиган, доим қорни тўқ юрган одам рўза тутиб, оч юриб, очликда юрган ғариб ва мискинларнинг аҳволини шунда тушуниб етади. Шу ҳолатга тушунганидан кейин закот, фитр садақаларини ажратади.

Рўза тутишлик замирида ҳам меҳр-оқибат, одамга одамнинг яхшилик қилиш масаласи ётади. Қорни тўқлар қорни очлар қадрини билсин. Рўзанинг мақсади — рўзадор одам Оллоҳ берган инсонларга яратиб қўйган неъматларнинг қанчалар зарур эканини тушунсин. Ёмонликдан қайтсин, деган мақсадда рўза тутилади.

Закот — Исломнинг тўртинчи аркони. Закот осмонга учиб кетмайди, бисотидан қирқдан бири ажратилса бечора, фақир, мискинларга берилади. Ғариб, етим-есирга, қийналиб қолган оилага берилади. Бунинг замирида ҳам эзгу амал турибди.

Мана бешинчи рукн — ҳаж амали. Бу Оллоҳнинг шиори бўлиб, улуғ бир аломатлар рўй берадиган жойдир. Масалан, Арофатда туриб, машҳаргоҳнинг соясини кўрасиз. Иссиқ, ҳамма эҳромга ўралган бу ерда Оллоҳ олдида тургандек бўласиз. Ҳамма, шоҳу гадо баробар бир либосда. Бир мақсад сари интилган. Ҳаж ҳам эзгулик амали. Одамзотнинг манманликдан, такаббурликдан, насабига, зотига ғурурланиб кетишдан қутултиради. Агар албатта эътиқод, покиза қалб билан ҳажга борган бўлса.

Олтинчи фарз йўқ. Буни унутмайлик. Тинч яшаб турилган бир вақтда маърифат, маданият, қадрият томон бораётган пайтимизда дилозорлик, қўпорувчилик қилиш, ўт очиш иснод. Жиҳод фарз эмас. Нафсимиз билан, шайтон билан курашишга «Жиҳоди акбар» қилган ҳар бир одам ютади. У ўзини тузатиб олса, қалбини покласа катта жиҳод шу.

Ҳозирги тинч, эркин замонда жиҳод — амри маъруф билан, илм билан ишонтириш, шахсан намуна кўрсатиш билан эзгуликни амалга оширишдир. Шунда Исломнинг пок ва ҳақ дин экани яна бир бор намоён бўлади.

Бугунги кунда кишиларнинг руҳига, ақли ва қалбига катта таъсир ўтказадиган дин арбобларининг, имом-хатибларнинг масъулияти, айниқса юксак. Ҳар бир дин пешвоси ўз фаолиятида шундай юксакликларга, теран билимга интилиши лозимки, ундан яратган рози бўлсин, Қуръон ва Ҳадисга асосланиб, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айтган сўзлари, ибратлари ҳар бир инсон қалбига таъсир этсин, тўғри йўлга бошласин. Ҳақиқий диндор, биринчи навбатда тинчлик, осойишталик учун курашчидир. Унинг фаолият кўлами, самараси, фуқаролик бурчи ва истеъдоди Ватанга, халққа, осойишталик ва Истиқлол тараққиётига, дин равнақига қанчалик хизмат қилиши билан белгилидир.

Фозилқори ЁСИН ўғли.
(Давоми бор).

САКСОНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАЙЁР

Германия Федератив Республикасининг саноати ривожланган марказларидан бири — Саксониянинг иқтисод вазири Кайо Шоммер бошчилигидаги мамлакатнинг ушбу федерал ерн ишбилармон доиралари вакилларининг яқинда Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳанузгача германиялик ишбилармонлар ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу ўринда «Заксен Цайтунг» газетасида эълон қилинган мақоладан баъзи фикрларни келтириб ўтиш ўринли. Жумладан, мақолада, «Ўзбекистоннинг Германия федерал ерлари билан ҳамкорлик қилиши икки мамлакатнинг бевосита амалий алоқаларни йўлга қўйишдаги ўзаро интилишларининг яна бир тасдиғидир», — деб таъкидланади.

К. Шоммернинг баёноти ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Шу газетага берган интервьюсида у Ўзбекистонга қилган ташрифи муваффақиятли ўтгани ва республика Марказий Осиё минтақасидаги Германиянинг ташқи иқтисодий сиёсатининг маркази бўлиши учун барча шарт-шароитларга эга эканлигини қайд этади.

Вазирнинг ушбу сўзларига қўшилмасдан бўлмайди. Чунки, саксониялик ишбилармонлар, улар қаторида Ландтагнинг матбуот котиби, депутат Хайнц Лемман ҳам бор эди, уч кун давомида Ўзбекистон иқтисодининг кенг имкониятлари билан яқиндан танишдилар ва мамлакатимиз ишбилармон доиралари билан ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар.

Саксония иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги ўзининг Германия матбуоти учун махсус тарқатган ахборотномасида таъкидлашича, улар Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб ташрифлари чоғида умумий ҳажми 400 миллион олмон маркасига тенг бўлган шартномалар имзолашга ва лойиҳалар тузишга муваффақ бўлганлар. Сўз Ошатца шаҳридаги германиялик шерик — «Глаззайден» фирмаси билан ҳамкорликда шишатола ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш, Уйчи шаҳридаги пахта заводини қайта таъмирлаш, Майскда «Баутцен» фирмаси томонидан кварц қумини бойитувчи фабрика қуриш, Лейпцигдаги «Ман Такраф» фирмаси билан ҳамкорликда Тошқурда фосфорит қазиб олиш бўйича иккита ишлаб чиқариш линиясини етказиб бериш бўйича имзоланган битимлар ва ўзаро манфаатни кўзлаган бошқа қатор шартномалар хусусида кетмоқда.

Эришилган барча шартномаларнинг амалга ошишига саксониялик ишбилармонларнинг ишончи комил. Х. Лемманнинг фикрича, шериклик алоқаларимизнинг негизи жуда мустаҳкам. Германиянинг йирик ва ўрта корхоналари Ўзбекистон билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараётгани буни исботлаб турибди. Лемманнинг қайд этишича, энг асосийси Ўзбекистон ҳукуматининг тўлов интизоми ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради, шу кунга қадар мамлакат ўзининг барча мажбуриятларини бажариб келган, бу эса унинг ишончли шерик эканидан далолат беради.

Яқинда Дрезден шаҳрида «Ўзбекистон: олмон тадбиркорлари учун амалий фурсат» мавзуида ўтган тадбиркорлар учрашуви Саксония ҳукуматининг икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга интилаётганидан гувоҳлик беради.

Ушбу учрашувда 50 дан зиёд фирма ва компания раҳбарлари иштирок этдилар. Улар делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи натижаларини ва Дрезденда бўладиган республикамизнинг иқтисодий имкониятлари тақдимоти масаласини муҳокама қилдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси хорижий сармояларни жалб этган ҳолда республикадаги давлат корхоналари хусусийлаштирилаётгани тўғрисидаги маълумотномалар дастаси, шунингдек, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун мавжуд имтиёз ва кафолатлар тўғрисидаги ҳужжатларни тарқатди. Ушбу маълумотномалар германиялик тадбиркорларда чуқур қизиқиш уйғотди. Улар ушбу ҳужжатларни ўзбекистонлик шериклари билан шу йил ноябрь ойида Дрезденда батафсил муҳокама этиш ниятидалар.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Бонн.

Ўзбекистон — Ватаним маним

ҚЎШИҚЛАРДА — ОНА ДИЁР МАДҲИ

Мана бир неча йилдирки, республика Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловини мустақил ўтказиб келмоқда. Бу галги кўрик-танловга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Ўзига хос санъат байрамига айланган ушбу анжуманнинг биринчи босқичида "Ўзбекнаво" тизимидаги барча бадиий жамоалар ва Тошкент шаҳридаги профессионал жамоаларнинг хушовоз хонандалари қатнашди.

Кўрик-танловнинг якунловчи босқичи пойтахтдаги "Туркистон" саройида ўтказилди. Унда элликдан ортиқ таниқли хонанда ва бадиий гуруҳлар иштирок этди. Улар орасида "Ўзбекнаво" тизимидан ташқари Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли, Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси хонандалари ҳам борлиги таднирнинг кенг қамровли ўтаётганидан дарак бериб турди.

Танловга она Ватанни, унинг бахту иқболини тараннум этувчи ўнлаб янги қўшиқлар тавсия қилинди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов ижро этган "Гўзал Ватаним" қўшиғига (Рустам Абдуллаев мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри) биринчи ўрин берилди. Тошкент шаҳридан "Анор" гуруҳи ижро этган "Ёр севгиси", фарғоналик хонанда Шаҳло Рустамова куйлаган "Огоҳ бўлинг", жиззахлик Лариса Москалёванинг "Дугоналар" қўшиқлари иккинчи ўринга сазовор бўлди. Тошкентлик Маҳмуд Номозов ижросидаги "Ойбулоқ", Наргиза Мирзаева куйлаган "Юрт алласи", "Сетора" гуруҳининг "Дунё" қўшиқлари учинчи ўринга муносиб топилди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Ажабо

Гугурт турганда тутантирик учун атомнинг оловидан фойдаланиш шарт эмас, деган эди бир донишманд.

Гугурт билан атомнинг фарқига бориш учун эса донишманд бўлиш шарт эмас. Лекин амал қилишга қолганда...

УЛОВИДАН ТУШОВИ

Ўтган йили пахта йиғим терими мавсумида, масалан, Қумқўрғон туманидаги бир хўжалик кундалик бир варақли маълумотни 30 чақирим узоқликдаги «пахта штаби»га КАМАЗ автомобили билан етказиб-ташиб турди. (Телефон алоқа хизмати туманда шунчалар «зўр»)

Яқинда Шўрчига ўтувдим. «Оби ҳаёт» фирма ҳовлисининг дарвозасида 52-48 СДМ белгили каттакон «Зил» машинаси эгарланган отдай сафарга шай бўлиб турипти.

— Шу машина билан Денов нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасига жўнаяпмиз, — дейди омбор мудири Аҳмаджон Пардаев. Афтол, дизел мойи олиб келамиз.

— Ёғоч бортли машинага... афтол турадими, — деб сўрайман Пардаевдан.

— Бортда бочка бор. Юз киломи, икки юз киломи олиб келамиз-да, — деди у.


Энди ўйланг: Деновнинг йўли Шўрчидан 35 чақирим. Бир ҳовуч мой олиб келиш учун вазни беш тонна келадиган машина, икки-уч киши сарсон. Уларнинг бир кунлик вақти шу билан-йўқ. Ваҳоланки, «Оби ҳаёт»дан эллик қадамча нарида ҳовлилари гулдор ғиштлар билан ўраб олинган Шўрчи туман нефть маҳсулотлари корхонаси ишлаб турибти.

Пардаевнинг айтишича, Шўрчининг корхонаси афтол таъминоти билан шуғулланмас экан. Мотор мойи кимга керак бўлса, бочкаларини тақирлатиб Деновга қатнар экан. Ана сизга ҳеч ким бош қотириб кўрмаган эски жумбоқ.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ёзнинг иссиқ кунларида ҳар бир киши яхна ичимликлар ва музқаймоққа эҳтиёж сезиши аён. Қуйи Чирчиқ туманида эса 110 минг аҳоли яшайди. Шуни ҳисобга олиб, "Дўстободжон" корхонаси маъмурияти яхна ичимликлар ва музқаймоқ цехи ташкил этган эди. Ҳозир бу ерда тадбиркор Владимир Арутюнов раҳбарлигидаги 16 кишилик жамоа бир сменада 250-300 декалитр апельсин, олча ва нок шарбатлари, 250-300 килограмм миқдорида турли хил музқаймоқлар ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар эса савдо шохобчаларига пешма-пеш етказиб берилаётир.



СУРАТЛАРДА: оператор Дилфуза Ризаева; уста Сервер Атамонов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЯНГИ ЎҚУВ БАНКИ

Тошкентда «Минтақавий банк ўқув маркази қошида ўқув банкини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш» халқаро лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Германия Техник ҳамкорлик жамияти томонидан режалаштирилган бўлиб, у Франкфурт Банк академияси, ривожланаётган мамлакатлар банк молия тизими кадрларининг малакасини оширишга ихтисослашган Берлин АБГ Консальт ташкилоти томонидан амалга оширилаяти.

Ўзбекистон томонидан эса Тошкентдаги Минтақавий банк ўқув маркази унинг ташкилотчиси бўлди. Янги ўқув банки Ўзбекистон банкларида хизмат қилаётган ёшларни жаҳон талаблари даражасидаги малакали кадрлар этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маълумки, минтақавий банк ўқув марказини ташкил этишда таъсисчилар сифатида Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Ўзбекистоннинг ўттизга яқин тижорат банклари ташаббус кўрсатишганди. Шунингдек, бу борада Европа Иттифоқи Комиссияси (ТАСИС) маблағлари доирасида Европа ҳамжамияти фаол ҳамкорлик қилган эди. Ўтган тўрт йил мобайнида ўқув марказида тўққиз мингга яқин банк мутахассислари малакаларини оширдилар. Унинг қошида очилган ўқув банкида ҳам ана шу хайрли йўлда ижобий ишлар қилинишидан умидвормиз.

М. ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ, БИРИ ҲАЙФСАН ОЛДИ

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

"Виждон ва маъсулият синови" — газетанинг шу йил 4 июнь сонида эълон қилинган танқидий мақола шундай деб номланганди. Унда Андижон вилояти "Агромашсервис" бирлашмаси таркибидаги Бўз машина трактор парки давлат акционерлик жамиятида ҳисоб-китоб ишлари ҳолати кўнгилдагидек эмаслиги, шу туфайли туман хўжаликлари ҳисобидан 1071 минг сўм ортиқча олинганлиги баён қилинганиди.

Мазкур мақолага Андижон вилояти очиқ турдаги акционерлик жамиятлари бирлашмаси — "Агромашсервис"дан жавоб мактуби олинди. Бирлашма раисининг биринчи муовини жаноб Қ.Усмоновнинг хабар беришича, вилоят бирлашмасида ушбу мақола бўйича тизимдаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош иқтисодчи ва бош ҳисобчилари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Юқорида кўрсатилган 1071 минг сўм ўз вақтида бухгалтерия хужжатлари билан хўжаликлар ҳисобига қайтарилган. Йиғилиш қарорига асосан Бўз туман машина трактор парки давлат акционерлик жамияти раиси Ш. Акрамовга қаттиқ ҳайфсан берилди, бош иқтисодчи И. Эргашев қўпол хатоларга йўл қўйганлиги учун вазифасидан озод қилинди.


Бундан ташқари, йиғилишда келгусида бундай хатоларга йўл қўймаслик, бирлашма раҳбарлари ва тегишли мутахассислар нарх-наво белгилаш ва ҳисоб-китоб ишларига кўпроқ эътибор бериши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ЮРТИМИЗНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАДИГАН ОСТОНА

Мол-мулкинг ўзингники бўлгач, қимматга сотинг келади. Ҳар ҳолда меҳнатинг сингган-да. Пешона терингбилан топган пулингга эса сифатли, арзон нарсалар олсанг. Аслида бу ҳам бир санъат, ҳам иқтисодий қудрат. Қанийди, доимо ташқарига чиққан бир сўм пулинг минг, матойинг эса улов бўлиб қайтса. Қисқаси, ҳақинг куймаса. Ёки мулкингни ўзинг сотиб, пулингниям ўзинг ишлатсанг. Меҳнатингни, ризқингни биров ҳавога совурмаса.

Божхона хизмати ҳақида ўйлаганда, хаёлдан шу фикрлар ўтаверади. Айримлар айтиши мумкин, божхонага бунинг нима алоқаси бор деб. Жуда бор-да. Четга қонунсиз чиқиб кетадиган моллар кимники? Ўзимизникими? Сизнинг меҳнатингиз туфайли топилганмиди? Қингир йўллар орқали киритиладиган сифатсиз моллар-чи? Буниям сиз елиб-югуриб топган пулингизга сотиб олишингиз мумкин эди-ку. Демак, божхона мулкимизни асраб қолаяпти. Сифатсиз, яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотларини дарвозадан киритмаяпти.

Мамлакатимизда божхона хизмати тизимининг йўлга қўйилиши фақат шу эмас, балки бошқа кўпгина кўнгилсизликларнинг ҳам олдини олди. Ўша сабабли юртни хавф-хатар ва иқтисодий инқироздан асраб қоладиган қўрғоннинг биридир. Айниқса, миллий ва моддий товар бойликларимизнинг четга қонунсизлик туфайли кетишига божхона катта тўсиқдир. Бундан ташқари, у юртимизга маҳсулот, технология ёки зарур халқ истеъмоли моллари олиб келадиган хорижликларга беминнат хизмат кўрсатиб, уларга милатимизга хос маданият, маънавиятимизни кўз-кўз қиладиган остона ҳамдир.



Таъкидлаб ўтиш керак. Божхона хизмати ўта масъулиятни талаб этади. У ерда хато қилиш мумкин эмас. Чунки озгина эътиборсизлик орқасидан кўплар ҳам моддий, ҳам маънавий зиён кўриб қолиши ҳеч гапмас. Ўша учун божхона ходими қатор тармоқларни, айниқса, божхона тўғрисидаги қонун ва йўриқномаларни мукаммал билишлиги талаб этилади.

Божхона хизмати баъзан ҳаловат билмайди. Ухламаслик, дам олмаслик, дегандек. Демак, у жисмонан бақувватликни талаб этади. Буни эркакларгина уддалай олиши мумкин, деган қарашлар ҳам бор. Аммо Тошкентдаги 2-сонли божхона масканида бўлган киши буни инкор этади. Чунки у ерда аёл боши билан Дилдора Шомуродова бинойидек ишлаяпти. Яна қандоқ денг?

— Аввало шуни айтишим керакки, жамоада аёлнинг бўлиши бизни анча ҳушёрликка тортади. Қолаверса, аёлли рўзғор ҳамиша саранжом-сариштали бўлади. Дилдорага келсак, у анча талабчан, пишиқ-пухта нозирларимиздан. Ишини билиб қилади. Ўзбекистон Президентининг божхона тизимини ривожлантиришга оид фармонлари бўладими, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари-ю, норматив ҳужжатларнинг талаблари Дилдора томонидан мукаммал ижро этилади.

Иккинчи сонли божхона пости бошлиғи Миршоҳид Мирсагатов шундан кейин асосий вазифалар ҳақида гапиради.

— Биз Жанубий йўналишлардан келаётган автоуловларга хизмат кўрсатамиз. Ўрни келганда айтиб қўяй, нега постимиз пойтахтнинг кириш жойида? Кўпгина ривожланган мамлакатларда юк автоуловлари шаҳар ичига киритилмайди. Ўшалардан камимиз борми?! Биз гўзал Тошкентимизнинг сокин ҳаётини, экологиясини, тоза ҳавосини асрашгаям масъулмиз.

Миршоҳид Тўлаганович ҳақ гапни айтди. Ростданам шаҳар марказида катта машиналарнинг юришидан маъни йўқ.

Суҳбатимизга Дилдора Шомуродовани тортамиз.

— Вазифамиз юртимизга келтирилаётган юкларни тўғри расмийлаштириш, уларнинг сифатини аниқлаш экан, биз бу юмушни қонун доирасида, ўзаро ҳамкорликда бажаряпмиз, дея оламан. Бунга тўлиқ асосимиз бор. Шу жойнинг ўзида лабораториямиз ишлаб турибди. Бизга келаётган юридик ва жисмоний шахсларга декларантлар, СЭС ва «Давлатстандарти» ходимлари постимиздаёқ хизмат кўрсатади. Бундан мижозлар, албатта, хурсанд. Чунки, оворагарчиликларнинг олдини олиняпти.

Ҳақиқатдаям, божхоначининг масъулияти оғир. Биринчидан — у миллатнинг кўзгуси. Чунки юк олиб келган меҳмон аввало у билан учрашади. Шунга қараб юртдаги вазиятни билиб олади. Иккинчидан эса юкнинг сифатига ўта синчковлик зарур. Чунки Ўзбекистонга келтирилган катта ҳажмдаги хитой калиши божхоначиларни янада ҳушёр торттиради. Бундай қаралса, калишдек калиш. Нархиям арзон. Аммо у лабораторияда ўрганиб чиқилса, уни кийган инсон албатта «грибок» касалига чалинар экан. Кўриниб турибдики, божхоначи элдошларини шу балодан асраб қолди.

Яна Дилдорани суҳбатга тортамиз.

— Ҳуқуқшунослигим жуда асқотади, — дейди у кулиб. — Юзакироқ қарасангиз, айрим келадиган, кетадиган юкларнинг ҳужжатлари тўғридай кўринади. Аммо ичида ишкали бор. Буни билиб-билмай қиладими, атайлабми. Бундайларга божхона қонунларию кодексигача тушунтиришга мажбурмиз. Токим у иккинчи марта қонунсиз ҳаракатларга қўл урмасин. Кечирсинлару баъзида оддий сифат сертификати талабини бажармаганлар ҳам учрайди-да.

Божхоначига яна бир масъулият бор. У дунёвий билимни, бошқа давлатларнинг божхона тўғрисидаги қонун ва норматив ҳужжатларини билиши шарт. Бунинг учун у ҳаётдан икки қадам олдинда юриши лозим бўлади.

— Постимиз ходимлари бунга алоҳида эътибор қилишади. Чунки, бизнинг хорижликлар олдида мулзам бўлиб қолмаслигимиз уларнинг юртимизга қатновини мукаммаллаштиради. Ўзаро ишончда гап кўп-да, — дейди Миршоҳид Мирсагатов. Сўнг қўшиб қўяди.

— Четдан юк келтираётганларга шароит яратиб, дам олишларини кўнгилдагидек ташкил этиш ва уларнинг юкларини мақсадсиз ушлаб қолмаслик, расмийлаштириш, бож тўловларини вақтида амалга ошириш ҳамиша жамоамизнинг диққат марказида. Очиғини айтганда, юқори савияда хизмат кўрсатишда ҳислат кўп. Бу шу юртнинг юзи, кўзи ҳам.

Жуда тўғри, ҳақ гап. Чунки, хизмат маданияти, маънавияти миллатни улуғлайди. Дунёга бу ҳақда фақат илиқ фикрларни ёяди. Яна бир гап. Хўп, чет элдан юк келтираётган ёки олиб кетаётганларга эътибор кучли. Маҳаллий юк ташувчиларга-чи? Тошкент шаҳар божхона бошқармаси яқинда худди шу масалани ўрганиб чиқди. Божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари, божхона хизмати подполковниги Рашид Ахмедзянов маҳаллий юк ташувчилар, «Ўзавтотранс», «Ўзавтолицензия», «ЎртаОсиётранс» ва шунга алоқадор автоулов корхонаси раҳбарлари билан учрашиб, бу борадаги муаммоларни биргаликда ечишнинг аниқ режаси ишлаб чиқилди. Божхона қонунчилигига оид масалалар муҳокама этилди. Бу мулоқот, албатта, баъзан рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга ёндашиш жуда масъулиятли. Ўшани ҳис этган ҳолда Дилдорага юзланаман.

— Ишингиз оғир. Аёлларга...

У ўша заҳотиёқ фикримни англайди.

— Ишимниям, аёллигимниям баб-баравар кўрсам нима қилай? Постимиздаги қатъий интизом, кучли малакани талаб этишлик менга жуда ёқади. Масъулиятимни оширади.

Моддий товар бойликларимизни сақлаб қолиш, ҳамда четдан киритилаётган юк — айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибини аниқлашда, демакки ҳар хил нохушликларнинг олдини олишда божхоначиларнинг хизматлари беқиёс дедик. Бож ва бошқа тўловлар туфайли давлатимиз хазинасини бойитишда улар ҳамиша хизматда. Ўшалар орасида жон қуяр аёл Дилдора Шомурадова ҳам бор.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Д. Шомурадова юртимизга юк келтирган автоуловларнинг ҳужжатларини ва ишонч тамғаларини кўздан кечирмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) суратга олган.

Бугун — Давлат божхона хизмати ходимлари куни

Гўзал юртимизда Истиқлол куёши нур сочиб Мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ халқ тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, унинг мудофаа салоҳияти ва қобилиятини ошириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини кўтариш, ёшларни она Ватанга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ ва армия якдиллигига катта эътибор қаратилмоқда.

АЛЁРЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Табиийки, бу жараёнларни амалга оширишда санъаткорларнинг айниқса, қалбларимизнинг туб-тубига етиб борадиган, нозик-нозик торларини чертадиган қўшиқчиликнинг, ибтидоси она алласидан бошланувчи алёр бўстонининг аҳамияти беқиёсдир.

К. Раҳматов ҳам ана шу бўстонга ўз сози, ўз овози билан чақноқ юлдуз янглиғ, асов тўлқин мисол кириб келди. Ватан мадҳи — аввал бошдан унинг қўшиқларининг етакчи мавзуси бўлди. Қиличдек ўспиринлик давридаги ашулаларида ҳам Ватанни алқади, юрт гўзаллигини юракдан ёниб куйлади. Ана шундай алёрлари уни катта саҳналарга етаклаб чиқди.

Камолиддин Раҳматов репертуаридан муносиб ўрин олган "Она диёр мадҳи", "Ўзбекистоним", "Дўстлар саломат бўлса бас", "Қадрдонлар бўлинг омон", "Бу кун байрам", "Нома", "Йигит йигласа", "Хуш келдингиз" ва шу каби 50 га яқин қўшиқлари фикримизнинг исботидир.

Бундан ташқари, К. Раҳматов миллий-мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси десак муболаға бўлмас. Унинг ширали ва жарангдор овози, майин ноласи тингловчини оҳанрабодек ўзига тортади. Хонанда ижросидаги "Гулузорим", "Сегоҳ", "Феруз", "Чоргоҳ", "Дугоҳ", "Ким десун", "Эй сабо" қўшиқлари унинг кўнгил мулкидан чиқаётган ҳароратли хониши ила сизни ҳаёлот самоси сари чорлайди.

Таъкидлаш жоизки, Камолиддин республикамизда биринчилардан бўлиб жанговор сафда, кўпчилик бўлиб айтиладиган ҳарбий қўшиқларни миллий оҳанг ва жилоларда алоҳида завқ-шавқ билан ижро этади. Шунинг учун ҳам кўп минг сонли санъат шинавандалари, айниқса Ватан посбонларининг таҳсини ва олқишига сазовор бўлмоқдаки, кўплаб ҳарбий қўшиқлар танловларида ҳар доим совринли ўринларни эгаллаётгани ҳам унинг фавқулодда истеъдодидан дарак беради.

Ҳозир республикамизда бирорта ҳарбий қисм йўққи, унда К. Раҳматов ижод маҳсули бўлган қўшиқлар куйланмасин. Мардлик, жасурлик, довюраклик, Ватанга садоқат, юрт посбонлиги шарафли касб эканлиги билан суғорилган бу алёрлар аскарларнинг кўнгил туйғуларини ривожлантириши, жўш урдириши билан ҳам қимматлидир.


Шуниси эътиборлики, К. Раҳматов қўшиқларга ўзи мусиқа ёзиб, бастакорлик соҳасидаги иқтидорини ҳам намоён эта олди. Қўш истеъдод соҳиби айни кунда ҳам янгиянги ижодий изланишлар билан банд. Зеро, ҳали унинг айтилмаган қўшиқлари бисёр.

Яхши қўшиқ жон озиғи. У ҳар қандай инсоннинг дил қасрига сўроқсиз кириб бораверади. Камолот сари интилган Камолиддин Раҳматовнинг дилтортар яллалари ҳам анчадан бери кўпчилик қўшиқсевар мухлислар қалбининг доимий меҳмонига айланган.

Хонанда хуш овози, одоби, ижодий ишга юксак маъсулияти, ўз касбий маҳоратини ошириб бориши, ютуқ ва камчиликларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиши, ёшларга сидқидилдан меҳрибонлиги боис севимли жамоасининг ҳурматини қозонган. У ҳозир айни куч-қувватга тўла, ижодий режалари катта. Алёрларида она юртига садоқат ва муҳаббатни мадҳ этаётган К. Раҳматовга санъат осмонида янада юксак парвозлар тилаб қоламиз.

Озод РАЖАБОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЭЛ АРДОҒИДАГИ МЕХАНИЗАТОР



Илғор механизаторлар ҳақида сўз кетса берунийликлар Ҳамза Ёқуббоевни ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби Ҳамза бир неча йиллардан буён Беруний туманида механизаторлик қилади. Ўз касбининг билимдони. Қарийб икки йилдирки, «Магнум» тракторини моҳирлик билан бошқариб келаётир. Айни пайтда у галладан бўшаган майдонларни шудгорлаб такрорий экин экишга ҳозирлашда ҳамкасбларига ибрат.

СУРАТДА: илғор механизатор Ҳамза Ёқуббоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚИЗИЛМИЯ - ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАБИБ

Қизилмия ўсимлигидан тиббиётда юз хилга яқин дори-дармон тайёрланишини кўпчилик яхши билмаса керак. Бугунги кунда қизилмиядан олинган дори-дармонлар ўпка шамоллаши, бронхит, бод, ошқозон яраси, жигар, экзема, юрак-қон томир хасталикларини даволашда жуда қўл келмоқда.

Сирдарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашли «Қолгонсир» хўжалигида ана шу доривор экин плантация шаклида ўстирилаяпти. Бу усулда парваришланган қизилмиянинг ҳосилдорлиги икки баравар ошиши тажрибада аниқланган. Сирдарёлик ўрмончилар ўз иш натижаларидан яхшигина даромад ҳам олишаяпти. «Саломатлик» ўзбек-хитой қўшма корхонаси қизилмия ўсимлигини кўпайтириш, парваришлаш ва ундан шифобахш дори-дармон тайёрлашда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НОСТРАДАМУСНИНГ 99-ЙИЛ ҲАҚИДА БАШОРАТЛАРИ

Англиянинг "Уорлдсворд" нашриётида Мишел де Нострадамус башоратларининг тўла тўплами босмадан чиқди. Матбаачилар бу китоб британияликлар орасида талаш бўлиб кетади дейишмоқда. Масалан, Японияда ушбу нашр 6 миллион нусхада сотилиб кетган эди.

Китобда ёзилишича, Нострадамус 1999 йилда қуролли ҳаракатлар авжига минишини айтган экан. Башоратгўй таъбири билан айтганда, бу йилда "ёвузлик соҳиби осмондан тушармиш". Ҳатто, Нострадамус 99-йилда Югославия можароси жиддий муаммо бўлишини ҳам башорат қилиб кетган экан. Хуллас калом, бу оддий башорат.

Кўпчилик Нострадамусни лўттивозликда айблайди. Айримлар учун эса у гўёки набий. Ҳар ҳолда, тарих китобларида келтирилган далолатлар рост бўлса, Нострадамусда ҳақиқатан ҳам нимадир бўлган. Масалан, у 1545 йил Италия бўйлаб сафар қилаётиб, йўлда бир руҳонийга рўбарў келади ва унинг қаршисида тиз чўкиб, руҳонийни "Авлиё ота" дейди. Роппа-роса 40 йилдан сўнг бу руҳоний Рим Папаси бўлади.

Муаррихлар Нострадамуснинг Франгистон қироли Генрих П билан бўлган учрашуви ҳақида ҳам турли ҳикоятлар айтиб кетишган. Эмишки, Нострадамуснинг башоратчилигидан хабар топган қирол Генрих П ва унинг жуфти ҳалоли Екатерина Медичи Мишелни саройга чорлайди. Башоратчига Генрих П қандай ўлим топажагини айтиш шарти қўйилади. Нострадамус шундай жавоб беради: "Бир зарба, бир жуфт жароҳат ва юмуқ кўз". Бу 1555 йилги гап эди. Орадан тўрт йил ўтиб, Генрих П рицарлар олишувида ўлдирилади. Рақиб рицар бир зарб билан Генрих П нинг кўзи ва томоғига оғир жароҳат етказади ва қирол жон беради.

ПОКИСТОНДА ТАЪЛИМ ЖИДДИЙ МУАММО

Бугунги кунда Покистонда туғилаётган болаларнинг ҳар тўрттасидан биттаси мактаб остонасини ҳатламас, ҳатто бутун умр оддий бошланғич билимга ҳам эга бўлмас экан. Расмий статистика маълумотларига кўра, мамлакатдаги 5 ёшдан 9 ёшгача



бўлган 19 миллион нафар боланинг бор-йўғи беш миллионигина бошланғич мактабга бориш имкониятига эга. Ундан кейин эса уларнинг ҳам аксарияти иқтисодий шароит туфайли мактаб билан хайрлашади ва кун кўриш учун иш қидиришга мажбур бўлади. Бу ишлар кимларнингдир эшигида хизмат қилишдан тортиб зарарли ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишни-да қамраб олади.

Покистон социологларининг фикрича, мамлакатда болалар таълим-тарбиясининг бундай ҳалокатли аҳволда эканига талайгина сабаблар бор. Хусусан, федерал ҳукумат юритаётган сиёсатнинг изчил эмаслиги ва иқтисодиётдаги танқисликка қарамай мамлакатда ҳарбий саноатни ривожлантиришга зўр берилаётгани, ўқитувчи мутахассисларнинг ўта "камёблиги", аҳолининг бетартиб равишда ўсиб бораётгани шулар жумласидандир. Уларнинг фикрича, ҳамонки ҳукумат бюджетнинг чорак қисмини ҳарбий саноатга сарфлаётган бир пайтда, таълим соҳаси учун бор-йўғи икки фоиз маблағ ажратар экан, Покистон янги асрга билимсиз одамлари кўп мамлакат сифатида кириши тайин.

ИНТЕРНЕТ ИНСОНИЯТ ЮТУҒИМИ ЁКИ...

Германия полицияси мутахассислари Интернет тармоғидан 40 саҳифалик манбани йўқ қилишди. Маълум бўлишича, ушбу саҳифаларда қўлбола портлатгичларни қандай тайёрлаш, уларни автомобилларга ва бошқа жойларга қандай ўрнатиш йўл-йўриқлари ипидан игнасигача тушунтириб берилган экан. Полициячилар бу саҳифалар ўта тажрибали хакер томонидан киритилганини айтишмоқда. Шу боисдан ҳам "муаллиф"ни топишнинг имкони бўлмаяпти.

Умуман, инсониятнинг катта ютуғи _ Интернет кейинги вақтда жиддий муаммоларни туғдираётир. Мутахассислар эса ҳар қанча уринмасин "Уорлд вайд веб"ни жиловлашнинг имконини топа олмаяпти. Масалан, яқинда Британия разведкасининг собиқ ходими Ричард Томлисон Буюк Британия ташқи разведкаси ходимларининг рўйхатини Интернетга киритиб ҳукуматнинг пайтавасига қурт тушириб қўйган эди. Моҳир хакерлар томонидан банкларнинг ўмарилиши эса ҳатто янгилик бўлмай қолди. Курраи заминни қамраб олган интернет чиндан ҳам инсониятнинг катта ютуғимикан ёки...

(ЎзА)

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

"Қорақалпоқбалиқ" давлат ҳиссадорлик бирлашмаси жамоалари йил бошидан буён кўллар ва ички сув ҳавзаларидан 3150 центнер ўрнига 3850 центнер балиқ овлаб, ярим йиллик топшириқни ортиғи билан бажарди. Аҳоли дастурхонига мўл балиқ етказиб беришда "Қозоқдарё" ҳиссадорлик жамияти, Тахтакўпир, Элликқалъа, Чимбой, Қонликўл, Бузатов, Хўжайли туманлари балиқчилик хўжаликлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қўш хабар

ҲАЙДОВЧИЛАР МАМНУН

"Хўжайли-Тахиатош" катта асфальт йўли ёқасида муҳташам чойхона қад кўтарди. Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилган бу дам олиш масканида меҳмонлар учун барча қулай шароит яратилган. Чойхона хизматидан қадимий Буюк Ипак йўли бўйлаб Устюрт орқали қатнаётган транспорт ҳайдовчилари, айниқса, мамнун бўлмоқда.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАТТИҚ ВА СУЮҚ ҲОЛАТДАГИ
КАУСТИК
СОДАНИ
СОТАМИЗ
ТЕЛ.: 126-03-18, 126-13-18, 77-76-78.
©/1014

Ўзбекистон Республикасининг барча тадбиркорлари ва илғор бизнесменлари!
Ўз ишингизни бошлаб юбориш имкониятини қўлдан берманг!

Ўзмиллийбанкда АБР ва КфВ кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютадаги кредитлар. Таклиф эълон қилинган вақтдан бошлаб 30 кун мобайнида амал қилади.

Ўзмиллийбанк танлов эълон қилади
ва намунавий лойиҳаларнинг қуйидаги турларини таклиф этади:

● «Texsima export import Gmb" фирмасининг (Германия) қуввати соатига 150-210 кг мева ва сабзавот қоқисини тайёрлашни ташкил этиш, кредит суммаси 400, 000.00 АҚШ доллари.

Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар

Молиявий

Ўз сармояси	$98,675
Шу жумладан, сўм эквивалентидаги пул маблағлари	$64,800
Шунингдек валютада (банк комиссияларини, инвестиция давридаги фоизларни тўлаш учун)	$28,300

Техникавий

Ишлаб чиқариш майдони	участка, 410 м
Электр энергияси, қуввати	20 кВт
Ичимлик сув	1,5м /соат

Асосий хом ашё

сменада 1,5-2 тн.

● "StessaSA" фирмаси (Франция) ускуналарида бир сменада 8,000 дона ПЭТ-преформ ва уларга 19,200 дона қопқоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кредит суммаси 420,000 АҚШ доллари

Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар

Молиявий

Ўз сармояси	$138,427
Шу жумладан, пул маблағлари	$75,539
● АҚШ долларида	$36,393
● АҚШ долларининг миллий валютадаги эквиваленти	$39,146

Техникавий

Ишлаб чиқариш майдони, бино	135м
Бино ичининг минимал баландлиги	4,5м
Маъмурий бино	40 м
Омборхона	50 м
Электр энергияси қуввати	85кВт/соат
Босимли компрессор	8 атм.
Сув таъминоти ва канализация	сменада 53м
Иссиқлик таъминоти	18-25° С

Асосий хом ашё

Полиэтилентерафтолат	сменада 320 кг
Полиэтилен	сменада 48 кг

● Pack Line Ltd фирмаси (Исроил) ускуналарида сменада 4,800 л. ҳўл мева ва сабзавотни қайта ишлашни ташкил этиш, кредит суммаси 364,121 АҚШ доллари

Буюртмачига қўйиладиган асосий талаблар

Молиявий

Ўз сармояси	$121,374
Шу жумладан пул маблағлар	$47,063

Техникавий

Ишлаб чиқариш майдони, участка	150 м
Электр энергияси қуввати	15кВт

Асосий хом ашё

Ҳўл мева ва сабзавот сменада 12-13 тн.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

● тўлдирилган тендер аризаси (Т31 шакл);
● танлов қатнашчиси шартларига қўшилган лойиҳанинг техник иқтисодий асосномаси;
● гаровнинг кредит миқдорининг камида 120% суммасида таъминланганлиги тўғрисидаги ахборот;
● танлов қатнашчиси ва/ёки лойиҳа спонсорининг 3 йил ҳар чораги учун бухгалтерия ҳисоботи (1,2,5-шакллар), шунингдек уларнинг лойиҳани молиялаштириш учун ўз сармояси бордигини тасдиқловчи бизнес режаси, бундай маблағлар етарли бўлмаган тақдирда Бизнес-фондининг етишмайдиган маблағни танлов қатнашчиси сармоясига қўшиши тўғрисидаги тасдиқномаси;
● таъсис шартномаси ва танлов қатнашчиси уставининг нусхалари;
● маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материалларни етказиб бериш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ниятлари акс эттирилган мажлис баённомаси, шунингдек батафсил маркетинг тадқиқотлар;
● янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун лойиҳанинг барча бўлимларига мос келадиган бино ва уни таъмирлаш учун маблағлар тўғрисидаги батафсил ахборот;
● танлов комиссияси ҳисобварағига 10 минг сўм депозит ўтказилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома ёки ана шу суммага банк кафолатининг нусхаси.

Агар Сиз мазкур лойиҳалар амалга оширилишидан манфаатдор бўлсангиз, қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:

Лойиҳаларни "Ўзинвестлойиҳа» Республика инженеринг компанияси билан боғлиқ масалалар бўйича
Мониторинг бошқармаси -- 700000, Тошкент кўчаси, 88, тел.: (998 71) 133-63-43, 68-53-24, 68-52-36, факс: (998 71) 120-66-41 ёки компаниянинг истаган бўлимига

Тендер шарти ва Ўзмиллийбанкда тендер ҳужжатини қабул қилиш бўйича
Лойиҳаларни молиялаш маркази, Кичик-ўрта бизнес лойиҳалари бошқармаси, 16-қават -- 700084, Амир Темур кўчаси, 101, тел.: (998 71) 137-59-47, 137-62-73, 137-62-74, 137-62-75, факс: (998 71) 34-04-53 ёки банкнинг истаган бўлим ва филиали

Тендерда қатнашишга тайёргарликда кўмаклашиш бўйича
Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамда жойлардаги деҳқон ва фермер хўжаликларининг вилоят ассоциациялари.

Ф/1004

Ҳар йили Жиззах вилоятида ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида «Тоза ҳаво» ойлиги ўтказилаётганлиги барча бойликларимиз манбаи бўлган заминни, сувни, осмонни мусаффо сақлашга катта ёрдам беряпти.

ТОЗА ҲАВО УЧУН

Шу тадбирнинг биринчи босқичи якуни фикримизни янаям ойдинлаштирди: қисқа муддатда 71 та автотранспорт ташкилотининг атроф-муҳитни ифлослантирмаслик бўйича олиб бораётган иши таҳлил қилиб чиқилди. Кўрикдан ўтказилган 286 та автоуловнинг ярмидан кўпроғи экологик жиҳатдан носозлиги маълум бўлиб қолди. Уларда асосан газли ис ва тутун чиқариш миқдори меъёрдан анча зиёд бўлиб чиқди.

Бевосита йўлларда қатнаб турган етти мингдан кўпроқ автотранспорт воситалари махсус асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказилганда икки минг олти юздан кўпроғи соф ҳавони бузаётгани ошкор бўлиб қолди. Бундай автоулов эгаларига моддий ва маъмурий чоралар кўрилди. Экология талабларига тўлиқ жавоб берадиган транспорт ҳайдовчиларига эса махсус экологик талонлар ёзиб берилди.

— Бу масаланинг бир томони, — дейди биз билан мулоқотда Жиззах вилояти ДАН бошқармаси экология бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги С. Йўлдошев, — автотранспортнинг атмосферани ифлослантириши унга қуйилаётган ёнилғи сифатига ҳам боғлиқ. — Шу сабабга кўра, йигирма саккизта ёнилғи қуйиш шохобчаларини текшириб кўришни дастуримизга киритганмиз.

Вилоятда ер-сув ва ҳавони тоза сақлашни назорат қиладиган яна бир инспекция бор. Унинг ходимлари уч йўналишда иш олиб бораяпти. Булар — ердан фойдаланишнинг аҳволи, кимёвий ўғит ва заҳарли химикатларнинг ташилиши ва сақланиши, чиқиндиларнинг жойлаштирилиши, зарарсизлантирилиши. Ҳар уччала ҳолатда ҳам экология талаблари сира бузилмаслиги керак. Меъёрдан чиқилдими, аввало табиатга, сўнгра инсон ҳаётига зарар етади. Мана мисоллар: эллик бешта чиқиндихоналарда назорат текшируви ўтказилди. Уларнинг аксариятида фақат уй-рўзғор, саноат чиқиндилари тўпланиб қўйилгани, бироқ уни зарарсизлантириш чоралари кўрилмаётгани аён бўлди. Чиқиндихоналарни қўйатуринг, ҳатто қишлоқ кўчаларида тўпланган гўнг, турли ахлатлар ёқиб қўйилган. Ундан чиқаётган тутун атмосферани қоплаб ҳаммамизни заҳарлаётганини наҳот билмасак.

Шу инспекциянинг бош мутахассиси А. Тойлоқовнинг маълумотига қараганда, огоҳлантиришлар, жарималар хонадон эгаларига, корхона раҳбарларига унчаям кор қилмаётган экан. Энди қонуний чоралар кўрилмаса бўлмайди. Яйловларнинг ҳолати бузилиб кетаётгани айниқса ташвишланарли. Фориш туманидаги М. Орлов номли ширкатлар уюшмасида яшовчи эллик бир оила хўжаликка тегишли яйловларни ҳеч бир ҳужжатсиз ажратиб олиб шахсий пичанзорга, ёрдамчи хўжаликка айлантирибди. Бундай ҳолатлар Ғаллаоролдаги Д. Йўлдошев номли, «Ғаллаорол» агрофирмасида ҳам мавжуд. Наҳотки, одамлар ноқонуний ҳаракатлари билан ер бойликларини топтаб, давлатга катта миқдорда зарар етказаётганларини, бунинг учун бир кунмас бир кун барибир қонун олдида жавоб бериш кераклигини тушунмаса.

Албатта, бундай кимсаларга қилмишларига яраша жазо чоралари қўлланиляпти. Лекин бу долзарб иш билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари ҳам изчил шуғулланишлари лозим.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕЗКОР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

Энергетиклар шаҳри Таҳиатош аҳолиси жаҳоннинг исталган мамлакати билан телефон орқали сўзлашиш имконига эга бўлди. Бунга тўрт ярим минг абонентга мўлжалланган электрон автомат телефон станцияси ишга туширилиши туфайли эришилди. Тезкор, сифатли ва кафолатли телефон алоқасини йўлга қўйишда Японияннинг "Нек" фирмаси мутахассислари билан ҳамкорлик яхши самара берди.

Ҳозирги вақтда Нукус, Хўжайли, Тўрткўл, Беруний, Бўстон шаҳарлари аҳолиси ана шундай телефон тизими хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

(ЎзА)

Мардлар қўриқлайди Ватанни

Ҳар куни ишдан келиб-кетаётганимда мухташам бинонинг пештоқидаги ёзувга кўзим тушади: «Тошкент ҳарбий лицейи талабаси — сени Ватан кутмоқда!» Хушбичим ҳарбий кийимдаги навқирон йигитлар дарвозадан кириб-чиқиб туришади. Яқинда эса бу йигитларни телевизорда кўриб қолдим.Улар «Акс-садо» телекўрсатувида жам бўлишиб, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидаги «Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш» боби юзасидан бийрон-бийрон сўзлашар, тиниқ мулоҳазалар юритишар эди.

Хуллас, буларнинг барчаси бизни Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейига етакловчи омил бўлди. Лицей директори Собир Аҳроров билан узоқ суҳбатлашамиз. У лицей тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида тўлқинланиб гапиради, ёшлар турбияси, ота-она бурчи, ўқитувчи масъулияти ҳақида беназир фикрларини баён этади.



КАТТА ИШОНЧ ВА УМИД ЙЎЛИДАН

— Бир пайтлари биз орзу қилган кунлар Истиқлол туфайли ҳақиқатга айланди, — дейди Собир ака Аҳроров. — Аслида лицейимиз ҳам мустақиллик билан бирга тавалуд топди, ҳар томонлама ривожланди. Зеро, бу давлатимиз раҳбарининг ёшлар ва уларнинг истиқболига ишончи ҳосиласидир. Бу ишончнинг энг комил кўриниши эса Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кучли, билимдон, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган сўзларида яна бир карра зоҳир бўлди.

Ҳар бир мустақил давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги, халқ хўжалигининг бир меъёрда ривожланиши ва халқ турмуш тарзи, авваламбор, шу давлат ҳудудларининг Қуролли Кучлари томонидан кўз қорачиғидай асраб-авайланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу масалани ҳал этишда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилувчи миллий офицер кадрларнинг ҳиссаси, шубҳасиз салмоқлидир. Улар ўз касбининг устаси, Ватани, халқи ва Президентига содиқлик билан хизмат қилишни олий мақсад деб билган юксак маънавиятли шахслар бўлиши лозим.

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи мустақиллик туфайли ушбу мақомга эришди. Бу билим маскани жамоасининг биринчи галдаги вазифаси — жисмонан бақувват, ақлли, зукко, чуқур билим эгаси, эл-юртига содиқ, ҳарбий касбларга ихлос қўйган, ўз она-Ватани учун хизмат қилувчи ёшларни тарбиялашдан иборат.

Бугунги кунда лицей ўқувчиларни давр талаби, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» режалари асосида ўқитиш ва тарбиялаш имкониятларига эга. Бу ерда ўқувчиларга асосан биринчи ва олий тоифадаги ўқитувчилар таълим-тарбия берадилар. Ўқувчилар ихтиёрида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан хоналари, компьютер синфлари мавжуд. Ўқитиш бир неча йилдан буён рейтинг тизими асосида олиб борилмоқда.

Ўқувчилар билимини янада теранлаштиришда барча фанлар бўйича фаолият юритиб келаётган фан тўгараклари ижобий натижалар бермоқда. Шунингдек, режалаштирилган фанлар бўйича ҳафталикларнинг ўтказилиши, унинг турли кўргазмали, бадиийлаштирилган ҳолда олиб борилиши ҳам билим самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Фанлар бўйича мунтазам тест синовлари ўтказилаётир ва натижалар чуқур таҳлил қилинмоқда.

Бу ерда ўқувчиларнинг яшаши, ўқиши учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда 450 ўринга мўлжалланган ётоқхона, бошланғич ҳарбий тайёргарлик хоналари, мустақил дарс тайёрлаш хоналари, спорт ва тренажёр заллари, 25 метрли ўқ отиш жойи, 450 ўринга мўлжалланган спорт шаҳарчаси, ҳарбий машқлар ўтказиш майдони, тиббиёт бўлими ўқувчилар ихтиёридадир.

Маълумки, болалар ҳарбий-жисмоний тайёргарликни лицей базасида олиб боришади. Бироқ маъмурият ўқувчиларга янада қулайлик яратди. Эндиликда улар Тошкент қўмондонлар тайёрлаш умумқўшин билим юртининг хоналарида ҳам машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳарбий-жисмоний тайёргарликдан олинаётган яхши натижалар ҳарбий лицейлар ўртасида ўтказиб келинаётган республика анъанавий «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобақаларида ҳам аён бўлиб қолмоқда. Бу мусобақаларда Тошкент лицейининг 3 карра ғолиб келганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Сўнгги ғолиблик эса 1999 йилнинг 14-15 майида Тошкентда ўтказилган мусобақаларда қўлга киритилди.

Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар ойлик ва йиллик режалар асосида амалга ошириб келинмоқда. Лицейда «Маънавият ва маърифат» хонаси фаолият юргизмоқда. Худди шундай хоналар ҳар бир ўқув ротасида мавжуд. Бу ерда асосан ўқувчиларга Ватанга муҳаббат, ўз халқига содиқлик, Ватан олдидаги бурчини адо этиш, мустақил фикрлаш борасида кўникмалар ҳосил қилишда ёрдам берувчи турли машғулотлар ва тадбирлар олиб борилади.

Таниқли олимлар, ёзувчилар, ҳарбийлар ва санъат усталари билан тез-тез учрашувлар ўтказиш ҳам анъанага айланиб қолган. «Ватан туйғуси», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг «Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш» боби бўйича лицей ўқувчилари республика телевидениесининг «Акс- садо» кўрсатувида ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишди. Натижада бир неча ўқувчи мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг «Катта ишонч ва умид билан» деб ёзилган дастхати битилган китобни олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда лицейда «Теран фикр соҳиблари» клуби ҳам фаолият кўрсатяпти. Бу клубнинг вазифаси — эркин фикрловчи, замонавий дунёқарашга эга бўлган, давр талабига ҳозиржавоб, ҳақиқий фидокор ёшларни камол топтиришдан иборат. Ҳар душанба кунги ўқув машғулотлари Давлат байроғи кўтарилиб, Давлат мадҳиясининг ижроси билан бошланиши одатий тусга айланган. Бу кундалик машғулотлар бевосита ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳафтада бир марта ўтказиладиган «Ҳафталик маърифий ва маънавий янгиликлар» машғулотига уланиб кетади.

— Мамлакатимиз мустақилликнинг саккиз йили мобайнида бемисл даражада тараққий топди, — деб суҳбатини якунлайди лицей директори. — Бу халқ таълими, жумладан, лицейимиз ҳаётида ҳам ўз аксини топган. Биз ёшлар билан ишлаш, таълим ва тарбия тизими шаклланишида ҳукуматимиз белгилаб берган истиқболли ва устивор йўлдан бормоқдамиз. Зотан, бу йўл катта ишонч ва умид йўлидир.

Э. БОЛИЕВ
ёзиб олди.

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

Санъаткорлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик томошабинлар эътиборига тушадиган асарларнинг дунёга келишига туртки бўлади. Ўтган йилнинг кузида фарғоналик таниқли актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадсоли Юсупов Сурхондарёнинг Бойсун воҳасида тасвирга олинаётган бадиий фильмда қатнашаётган эди. Бўш вақтида маҳаллий театр жамоаси билан мулоқотда бўлади, драматург Абдухолиқ Хурсандов билан танишади. Ёш ижодкор машҳур «Кўчқор ака»га ўзининг «Кампир топайми, дадажон?» деб номланган асарини ҳавола этади. Халқ лапарлари, фольклор мотивлари асосида ёзилган асар М. Юсуповга маъқул келиб қолади.

У асарни ўзи бош режиссёрлик қилаётган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли Фарғона вилоят драма ва ҳажвия театри саҳнасига олиб чиқди. Асарда одамзотнинг ҳамиша жуфт бўлиб яшашга интилиши, ёлғизликдан қочиши енгил оҳангларда, лапарлар, рақслар, қўшиқлар йўли билан томошабинларга етказиб беришга ҳаракат қилинган.

Бош ролларни ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холмат Икромовларнинг маҳоратлари рассом Бахтиёр Тўраев, рақсларни саҳналаштирувчи Набижон Раҳимов, мусиқашунос Аъзам Умаровларнинг изланишлари билан уйғунлашиб, ажойиб саҳна асари яратилган.

Янги асар театрнинг «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат» сингари асарлари қатори томошабинларнинг кўнгил мулкига айланиши, шубҳасиз.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳ. НОСИРОВА.

ЯНА БИР ШИФО МАСКАНИ

Тўрақўрғон туманида даволаш муассасалари яна биттага кўпайди. Соҳилобод қишлоғида барпо этилган бу масканни «Моҳир» хусусий фирмаси бинокорлари тиклашди.

Фирма пудрат савдоларини уюштириш республика ташкилотининг Наманган филиали ўтказган тендерда ғолиб чиқиб, ана шу иншоотни қуриш имкониятини қўлга киритган эди. Янги шифохонани барпо этиш учун 20 миллион сўм маблағ сарфланди, даволаш хоналари 7 миллион сўмлик тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди.

Шифо масканини фойдаланишга топшириш маросимида қатнашган вилоят ҳокими Т. Жабборов жамоага қўшимча тиббий ускуналар ҳамда соҳага тааллуқли адабиётлар тўпламини туҳфа этди.

Туман марказидан анча узоқда жойлашган мазкур қишлоқ аҳолиси яратилган бу қулайликлардан беҳад мамнун.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

DAEWOO C&C
ДЭУ КОМПЬЮТЕР ВА КОММУНИКАЦИЯ



ОЛИНГ!
ДЭУ КОМПЬЮТЕРЛАРИ — БУ АЪЛО СИФАТ!
399000 СЎМ.
Pentium II 400 MHz
15" Color Monitor/4.3 GB HDD/32 MB/ 4MB AGP/512 Cache/1.44 MB FDD
ТЕЛ.: 144-77-68, 144-77-69, 144-77-70, 144-77-71
ФАКС: 144-76-56
tasvir 1919

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЯШОВЧИ, 9-СИНФНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ЛИЦЕЙ

Табиий фанларга қизиқувчи, келажакда кимё технология институтининг талабаси бўлишни астойдил орзу қилган ўқувчиларни

10-СИНФГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва тажрибахоналарда чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитади.

Шу билан бирга табиий ва тил ўргатиш фанлари бўйича тест синовларига тайёрлаб борилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. *Лицей директори номига ариза.*
2. *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.*
3. *Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.*
4. *Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).*
5. *Яшаш жойидан маълумотнома.*
6. *3х4 ҳажмли 4 та сурат.*

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Тест синовлари 1 августдан - 10 августгача ўтказилади.

Лицей манзили: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 8-уй, 4-қават, тел: 173-81-24.
(13, 77-автобусларнинг «Оқ тепа» майдони, 9-трамвайнинг «Чилонзор 7-мавзеси» бекатлари.

5383©

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Вячеслав Ганиевга отаси

Сами ҒАНИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби жамоаси ДБҚ масъул ходими

Тоҳириддин САЙФУДДИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмарказимпэкс» ДАТСК жамоаси компаниянинг етакчи мутахассиси Муфаррах Шамсиевага отаси

Восилҳожи ҲОЖИАЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Меҳнат» нашриёти жамоаси Ибн Сино нашриётининг директори Бахтиёр Омоновга волидаи муҳтарамаси

Раъно ИКРОМОВАнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6